

ЕТУКЛИК ДАВРИДАГИ ШАХСНИНГ ЭМОТСИОНАЛ АДАПТАЦИОН ДАВРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Файзуллаев Анвар Зайниддинович

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Замонавий дунёда шахсининг ривожланиши ижтимоий мухитда мавжудлик ва ҳаёт шароитларини белгиловчи ижтимоий-маданий, иқтисодий, технологик ва психология омилларнинг мураккаб мажмуи ва динамикаси билан белгиланади. Шунга асосланиб, инсоннинг ҳаёти турли босқичларида мослашуви муаммоси вақти-вақти билан шахс ва ижтимоий мухит ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнини оптималлаштириш муаммоларини ҳал қилиш зарурати туфайли алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳаёт давомида инсон шахсияти мутассил равишда ўзгариб боради ва бу ўзгаришлар кўпинча муҳим ҳаётий воқеалар каби атроф-муҳит таъсиридан келиб чиқади. Ҳаёт давомида инсон нафақат жисмоний, балки психологик жиҳатдан ҳам ўзгаришларни ҳам бошдан кечиради. Аксига олиб шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, ички ва ташки ўзгаришларнинг аниқ ёналиши турли мезонларга боғлиқ. Сўнгги йилларда тадқиқотчилар шахснинг ҳаёт давомида қандай ривожланишини ўрганишга катта куч сарфладилар ва бу ўз навбатида, ўзига хос шахсий хусусиятларнинг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги ҳақида турли мунозараларни вужудга келтиради. Шахсий хусусиятлар ўзаро мухит таъсири, хулқ-атвор ёинки билиш жараёнидаги нисбатан барқарор индивидуал фарқлар деб ҳисобланади.³⁰

Тадқиқот мақсадининг қисқача мазмуни шахсдаги типологик муаммолар йиғиндиси ҳамда шахснинг фаол жамиятга интегратсия қилиш жараёнининг турфа эканлиги инсон субъектининг мураккаблигини таъминлайди.

Шу жиҳатдан етуклик даври анча мураккаб даврdir, мазкур даврда шахс ҳам жисмоний, ижтимоий жиҳатдан етукликка етган, жамият фуқароси ҳамда сайлаш ҳукуқини кўлга киритиб бўлган бўлади. Буларнинг барчаси ижтимоий жиҳатдан вояга этиш, турмушда ўз ўрнини топиш, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши, етук шахс сифатида руҳияти ва маънавиятининг ривожи учун жамики шарт-шароитларни яратади. Шахс ижтимоий ҳаётда, олий ўқув юрти жамоасида, тенгқурлари билан шахсларро муносабатлар даврасидаги, ўқиши ва турмуш шароитидаги ўзгаришлар таъсири остида таркиб топа бошлайди. Шахснинг меҳнат фаолиятида таълим-тарбия жараёнида ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ўсишида ўзига хос ўзгаришлар, янги хислат ва фазилатлар намоён бўлаётганлиги кўрсатилади. [3, 6.256]

Етуклик даврининг асосий хусусиятлардан бири ижтимоий етукликтининг жадал суръат билан рўёбга чиқаришdir. Маълумки ижтимоий етуклик (камолот) шахсдан зарур ақлий қобилиятини ҳамда ижтимоий тузишда бажариладиган турли ролларни эгаллаш (оила қуришга), фарзандларни тарбиялашга, фойдали меҳнатга қатнашишга

³⁰ Дубровина И.В. Возрастная и педагогическая психология. Хрестоматия / И.В. Дубровина, А.М. Прихожан, В.В. Зацепин. - М.: Академия, 2018. – 256 с.

(масъул вазифада ишлашга) тайёрланишини талаб этади. Мазкур жараённинг бош мезонлари ва кўрсаткичлари ўрта маълумотлилик кўрсатиш қонунлар олдида жавобгарлик, мутахассис бўлиш имконияти, унга интилиш туйғуси, иродавий зўр бериш, ёш оталик ва оналик бурчи, жамоат арбоби вазифасини ўташ, ижтимоий гуруҳга раҳбарлик қилиш, спорт билан шуғулланиш, бўш вақтни ташкил эта олиш, тўгаракда қатнашиш ва ҳоказолардан иборатдир.³¹ [44, 6.559-584]

Хусусан, етуклик даврининг камол топишининг биринчи босқичига 28-35 ёшлардаги эркак ва аёллар кирадилар. Етуклик даврида одам ўзининг барча куч-куввати, қобилияти, ақл-заковати, ички имкониятларини ўз касбига, ижтимоий фаолиятига, жамоат ишларига тўла сафарбар қила олади. Эркак ва аёлларнинг бу даврда меҳнат ва ижтимоий фаолиятда муайян тажрибага эгалиги уларни истиқбол сари етаклайди. Етуклик даврининг иккинчи босқичида қарилек аломатлари кўпроқ ўрин эгаллай боради, унинг бошланиш нуқтаси 45-50 ёшлардир, лекин одамларнинг ўзига хос хусусиятларига қўра чегара турлича масалан, бу бир кишида 60 ёшда, бошқа бирида эса 70 ёшда бўлиши мумкин. Шу сабабли ёш даврининг чегаралари фақат шартли белгиланади. Бу омил одамлар яшаётган оила мухитига тарихий-ижтимоий шартшароитига, жуғрофий иқлим ва ҳоказоларга ҳам боғлиқдир.³²[8, 6.105-120]

АДАБИЁТЛАР:

1. Дубровина И.В. Возрастная и педагогическая психология. Хрестоматия / И.В. Дубровина, А.М. Прихожан, В.В. Зацепин. - М.: Академия, 2018. – 256 с.
2. Додге К.А. (1993). Хулқ-атвор ва депрессияни ривожланишидаги ижтимоий когнитив механизмлар. Йиллик психология шархи, 44, 559-584. doi: 10.1146 / аннурев.пс.44.020193.003015.
3. Эмелин ВА, Тхостов А. Ш., ва Рассказова ЭИ (2014). Ахбороткоммуникация жамиятидаги психологик мослашув: Технологиялар билан боғлиқ психологик оқибатлар анкетасининг қайта кўриб чиқилган версияси. Россиядаги психология: Санъат ҳолати, 8 (2), 105-120.

³¹ Додге К.А. (1993). Хулқ-атвор ва депрессияни ривожланишидаги ижтимоийкогнитив механизмлар. Йиллик психология шархи, 44, 559-584. doi: 10.1146 / аннурев.пс.44.020193.003015.

³² Эмелин ВА, Тхостов А. Ш., ва Рассказова ЭИ (2014). Ахбороткоммуникация жамиятидаги психологик мослашув: Технологиялар билан боғлиқ психологик оқибатлар анкетасининг қайта кўриб чиқилган версияси. Россиядаги психология: Санъат ҳолати, 8 (2), 105-120.